



ЎЗБЕКISTON OVOZI

● 2012-йил, 23-октябр. Seshanba ● 128 (31.560) **Ijtimoiy-siyosiy gazeta** ● 1918-йил 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ ҚУРБОН ҲАЙТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини мустаҳкамлаш, уларнинг руҳий ва маънавий оламини янада юксалтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармони га мувофиқ:

1. 2012 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 26 октябрь жума кунига тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонла-

ри идорасининг муражаатини инобатга олиб, 2012 йил 26 октябрь дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тadbирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тadbирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 22 октябрь

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ ЎЗБЕКISTONДА ФЕРМЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, мустақиллик йиллари мобайнида қишлоқ хўжалиги соҳасида бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Фермерлиқни ривожлантириш, фермер хўжалиқларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллиги учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар ва кафолатларни яратиб берувчи Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Фермер хўжалиқларининг ер, сув ва моддий-техника ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмлари муттасил ошиб боришини, фермер хўжалиқлари самарадорлиги ва рентабеллиги ўсишини таъминлаш имконини берадиган моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ер майдонларини мақбуллаштириш борасидаги комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Қишлоқда фермер хўжалиқларига барча зарур хизматларни кўрсатаётган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг узок муддатли ижара мулкчи қилиб берилиши ва қишлоқда бозор муносабатларининг жорий қилиниши фермер хўжалиқларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг энг муҳим омилли ва асоси бўлди, бунинг натижасида ерга ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга ҳақиқий эгаллик туйғуси мустаҳкамланди.

Мамлакатда фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисига ҳамда аграр соҳани ва у билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларни ҳамда ишлаб чиқаришларни янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бормоқда.

Биринчи навбатда гап фермер хўжалиқларини янада такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ер-сув ресурсларидан ва яратилган ишлаб чиқ-

риш салоҳиятидан фойдаланишда, қишлоқ иқтисодиёти ривожлантириш ва ободонлаштиришда, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш тўғрисида бормоқда.

Шуни эътироф этиш керакки, ҳозир амалда бўлган фермерлик ҳаракатини ташкил қилиш ва бошқариш тизими, хусусан, Фермер хўжалиқлари уюшмаси ва унинг худудий тuzилмалари фаолияти қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришини ислох қилиш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш жараёнларига ҳамда фермерлик олдига турган вазифаларни тезкорлик билан ҳал қилишга султ таъсир ўтказмоқда.

Ҳозирги шароитда фермерлик ҳаракати олдига турган жамиятни демократлаштиришни чуқурлаштириш, иқтисодий янада ислох қилиш ва либераллаштириш, мамлакат аграр секторини барқарор ва самарали ривожлантиришнинг, аҳоли фаровонлигини оширишнинг энг муҳим бўғини сифатида фермер хўжалиқларининг роли ва аҳамиятини ошириш вазифаларининг фермерлик ҳаракати томонидан рўйбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазиrлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг фoят муҳим вазифалари деб ҳисоблансин: қишлоқда ижара муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг етакчи бўғини ва шакли сифатида фермер хўжалиқларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ҳимоя қилиниши ва самарали фаолият юритишини таъминлаш;

фермерлиқни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, фермер хўжалиқларининг ўзини ўзи бошқариш таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг давлат ва хўжалиқ бошқаруви органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш;

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

фуқаролик жамияти ривожига хизмат қилади



ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМOKPАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН «СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ХАМКОРЛИГИ: ЎЗХДП БОШЛАНГИЧ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БУ БОРАДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА МАРКАЗИЙ КЕНГАШ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ, ТАРФИБОТЧИЛАР ВА ЭКСПЕРТЛАР ГУРУҲЛАРИ АЪЗОЛАРИ, ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КЕНГАШИ ФАОЛЛАРИ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИ, БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ВА ЁШЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

(Давоми 2-бетда.)

Фикрга қарши фикр

ЎЗХДПНИНГ МАҚСАДИ ВА ҲОЯСИ АНИҚ

либераллар эса ЎзХДП дастурини чуқурроқ ўрганмай туриб, яна асосиз даъволарни илгари сурмоқда

Кишини ўйлантирадиган, тўғрироғи, ҳайрон қолдирадиган жиҳати шундаки, ЎзЛиДеП фаоллари иқтисодийётни барқарор ривожлантириш билан боғлиқ масалаларда ЎзХДП билан сиёсий баҳс-мунозарага киришар экан, бу борада партиямизнинг дастурида белгиланган вазифалар билан яқиндан танишиш лозимлигини унутиб қўймоқда.

→ 2

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

АҲИЛЛИК, ТОТУВЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ ҚЎРҒОНИ



Ҳаётимиз маҳалла билан чамбарчас боғлиқ. Турмушимиз, оиламизда бўладиган катта-кичик қўллаб-қувватлаш воқеалар маҳалланинг иштироки билан ўтади. Хоҳ маиший, хоҳ ижтимоий, хоҳ иқтисодий масала бўлсин, маҳалла ҳамisha энг яқин қўмақчимиз. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, оилаларга ёрдам кўрсатиш, ўз иштини бошламоқчи бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш, кишилар бандлигини таъминлашга қўмақлашиш, худудни ободонлаштириш... ҳаммасига маҳалла бош-қош.

→ 3

— ҚАРАНГ, ЯНА БИР ИҚТИДОРЛИ ТЕНГДОШИМИЗ ҲАҚИДА ЯХШИ МАҚОЛА ЧИҚИБДИ.
— БУ ГАЛ КИМ ҲАҚИДА ЭКАН?
— РИШОД СОБИРОВ ҲАҚИДА!
— БУ ГАЗЕТАДАН АЛБАТТА, УКАМГА ҲАМ ОЛИБ БОРИШИМ КЕРАК ЭКАН...

Келгуси йилда ҳам газетамизда иқтидорли ёшларимиз ҳақида мунтазам равишда мақолалар бериб борилади.

ОБУНА — 2013



НАШР КЎРСАТКИЧИ — 220

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 23 ОКТАБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Евро	2546,90	1 Дания кронаси	341,42	1 Хитой юани	312,21	1 Туркия лираси	1088,83
1 АҚШ доллари	1952,60	1 БАА дирҳами	531,62	1 Украина гривнаси	244,29	1 Швейцария франки	2106,56
1 Россия рубли	63,43	1 Миср фунти	319,86	1 Малайзия рингити	639,57	10 Жанубий	
1 Австралия доллари	2013,91	1 Исландия кронаси	15,71	1 Польша злотийси	620,82	Корея вонини	17,67
1 Англия фунт стерлинги	3127,28	1 Канада доллари	1967,16	1 СДР	3012,86	10 Япония иенаси	246,11

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Истиқлол имкониятлари

● АНГРЕН ДУНЁ БИЛАН БОҒЛАНМОҚДА

3-бет

